Ушбу сонда:
2 Хукукшунос маслаҳати — УЗАЙТИРИЛГАН МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ
3 НАВОИЙХОНЛИК
4 Ҳаёт чорраҳаларида — НУРДАГИ СОЯ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 19 январ, жума №11 (1025)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

КЕНГУСИ СОНДА
• Касаба уюшмаси бўлмагач...
• ТВ-дастури
• Шанба — дам олиш саҳифаси
КЕНГУСИ СОНДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

«МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР» ФАНИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Олдимизга қўйган олижаноб ва буюк мақсад - миллий истиқлол ғояларини халқимиз, аввало ёшларимиз онгига сингдиришга қаратилган ўқув, илмий-услубий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлаш ва янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз, аввало ёшларимиз онгига сингдириш жараёнини таҳлил қилувчи ва такомиллаштирувчи махсус методологик комиссия таркиби тасдиқлансин.

Комиссияга таълим турлари бўйича юқори малакали олим ва мутахассислардан иборат эксперт гуруҳларини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

2. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқитиш юзасидан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларини таълим турлари ва босқичларида белгиланган соат хажмлари, профессор-ўқитувчиларни малака ошириш курсларидан ўтказганлиги, педагог кадрлар учун тажрибавий дастурлар, маъруза матнлари ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаганлиги, ўқувчи ва талабалар билимини назорат қилишнинг турли шаклларини ишлаб чиққанлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан миллий истиқлол ғоясининг илмий асосларини ишлаб чиқишга бағишланган Давлат илмий-техник дастури шакллантирилганлиги ҳисобга олиниб, уларнинг таълим жараёнига жорий қилиниши методологик комиссия томонидан ўрганиб борилсин.

3. Комиссия Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда Фанлар академияси билан биргаликда:

- барча таълим турларида мазкур фанни ўқитишда, таълим жараёни илмий-услубий томонларини жорий ўқув йилининг якунигача ўрганиш мақсадида, бир ҳафта муддатда, етарли илмий салоҳиятга эга ва тажрибали педагог кадрлари мавжуд бўлган таълим муассасаларидан иборат, мамлакат миқёсида экспериментал майдончаларини белгиласинлар ва эксперт ишчи гуруҳларини ташкил қилсинлар;
- тайёрланаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларни юқори малакали экспертлар муҳокамасидан ўтказиб, уларнинг мазмунини алоҳида назорат қилсинлар;
- жорий ўқув йилининг якунига қадар миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришда, дарсларнинг ноанъанавий шакл ва услубларини ишлаб чиқиш, уларни экспериментал майдончаларда синовдан ўтказиш, ижобий натижаларни янги ўқув йилидан таълим жараёнига кенг жорий қилишни таъминласинлар;
- 2001 йилнинг 25 февралига қадар олий таълим муассасалари учун маъруза матнларини яратиш, Давлат матбуот қўмитаси билан ҳамкорликда чоп этиш ва жойларга етказишни ташкил қилсинлар;
- 2001 йилнинг 15 августига қадар умумий ўрта таълим муассасалари учун «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» дарсликларини уларга қўйиладиган талаблар даражасида қайта ишлаш, Давлат матбуот қўмитаси билан ҳамкорликда чоп этиш ва жойларга етказишни таъминласинлар;
- жорий йилнинг 1 сентябрига қадар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун тажрибавий қўлланмани яратиш, Давлат матбуот қўмитаси билан ҳамкорликда чоп этиш ва жойларга етказишни ташкил этсинлар;
- ўқув йилида орттирилган тажриба ва синовдан ўтган методик ишланмалар асосида июн-август ойлари мазкур фандан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишни ташкил этсинлар.

4. Махсус методологик комиссия «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқув жараёнига жорий қилиш мониторингини олиб борсин. Унинг таҳлили асосида таълим дастурларини такомиллаштиришга қаратилган кўрсатма ҳамда тавсияларни ишлаб чиқишни ташкил этсин ва амалга оширилишини таъминласин.

5. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ва Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 18 январ

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!

«Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати ишчиларини, муҳандис-техник ходимлари ва хизматчиларини, барча жамоасини 2000 йилдаги юксак иш кўрсаткичлари билан бутун қалбимдан, чин юракдан табриклайман.

Сизларнинг Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришдаги ҳиссангиз салмоқли ва каттадир. Олтин ишлаб чиқариш йиллик топшириғи ошириб бажарилди, мустақиллик йиллари давомида уни қазиб олиш ҳажми 1,7 баравар кўпайди.

Таркибида олтин ва уран бўлган рудаларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлашга доир замонавий фан ва техника ютуқларини ўзлаштириш ва амалиётга жорий этиш жамоага халқаро миқёсда эътироф этилган энг йирик кон қазиш компаниялари ўртасида етакчи ўринни эгаллаш имконини берди.

Ғоят қисқа муддатларда Қизилқум фосфорит конларини ўзлаштириш бўйича янги қувватлар ўзлаштирилганлиги, истеъмол товарларининг кўплаб турларини чиқариш бўйича анъанавий бўлмаган ишлаб чиқаришлар ташкил этилганлиги учун жамоага алоҳида миннатдорлигимизни билдирамиз.

Республикамизнинг Навоий минтақаси ижтимоий соҳаси ҳамда саноат инфратузилмасининг моддий базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда комбинатнинг роли бебаҳодир.

Ишонч билан айтиш мумкинки, кўп миллатли жамоа малакасининг юқори даражаси ва жипслиги, унинг янги вазифаларни ҳал этиш, ўз ривожланиши йўлида қатъий олға бориш учун ички имкониятларни сафарбар этиш лаёқати комбинат муваффақиятларининг асосий омилидир.

Сизнинг фидокорона ва аниқ мақсадни кўзлаган меҳнатингиз натижалари Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий қайта ўзгартиришлар самарадорлигининг исботи эканлигини қайд этиш қувончлидир.

Янги минг йилликка қадам қўяр эканмиз, Сизларнинг барчангизга, оилангиз ва яқинларингизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, умид-орзуларингиз рўёбга чиқишини ҳамда Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги фидокорона меҳнатингизда янги ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Конституциясини чуқур билиш, унинг талабларига қатъий риоя этиш мустақил Ўзбекистонимизни бошқа илғор давлатлар қаторида тенг ривожлантиришнинг гаровидир. Ҳар бир инсон унинг маъно ва мазмунини чуқур англаб етмоғи даркор. Шундагина у ҳақ-ҳуқуқини яхши билади ва ҳимоя эта олади. Мақсадга эришишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги Фармойиши ҳаётимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.



Яқинда Бухоро вилояти касаба уюшмалари Кенгашида шу долзарб масалага бағишланган ўқув ташкил этилди. Дастлабки машғулотда юридик фанлари номзоди И.Мардонов ижтимоий ҳаётимизда қонунлар қандай рол ўйнаётганлиги ҳақида атрофлича тушунча берди. Анжуман қатнашчилари саволларига жавоб қайтарди.

Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари Н. Очилов, вилоят касаба уюшмалари раиси С.Сайфуллаева Президент Фармойишидан келиб чиқадиган вазифалар, касаба уюшмалари фаолларининг саъй-ҳаракатлари ҳақида алоҳида тўхталдилар.

Ж.ШАРИПОВ,
Бухоро вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг бўлим мудири.

ОЙЛИК МАОШ 30 МИНГ СЎМ

Ислоҳот мевалари

«Когонёғ» ҳиссадорлик жамияти аъзолари учун 2000 йил қутлуғ келди. Иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши, замонавий технология жорий этилганлиги туфайли соф фойда 180 миллион сўмни ташкил этди.

Йилнинг биринчи ярмида ишчи—хизматчиларга 50 миллион сўмлик дивидент тарқатилган бўлса, йил охирига келиб бу кўрсаткич икки ярим баробар ошди. Ойлик маош 30 минг сўмга борди.

Ҳиссадорлик жамиятида 538 киши меҳнат қилади. Касаба уюшма қўмитаси меҳнат унумдорлигини ошириш, қулай иш шароити яратиш, ишловчиларни муносиб рағбатлантиришга қаратилган аниқ тадбирларни изчил амалга оширмоқда. Маъмурият билан ҳамкорликда тузилган жамоа шартномасига кўра кейинги йилларда меҳнат фахрийлари, мададга муҳтож оилаларга эътибор кучайди. Мактаблар, болалар боғчаларига моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Масалан, «Умид» жамғармасига 5 миллион, Меҳр шафқат ва мурувват кўрсатиш фондига 1,5 миллион, Ногиронлар жамиятига 255 минг сўм ўтказилди.

Ҳиссадорлик жамияти тасарруфидаги ёрдамчи хўжалик ҳам ривожланмоқда. Бу ерда сифатли ва арзон неъматлар етиштириш йўлга қўйилди. Спорт соғломлаштириш маркази ҳам ҳамиша ишчи-хизматчилар билан гавжум.

Меҳнат муҳофазасига етарли миқдорда маблағ ажратилаётганлиги, ишловчилар ўртасида тарғибот—ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилганлиги боис кўнгилсиз ҳодисалар олди олинди. Ўтган йили илғор жамоада яна бир хайрли ишга қўл урилди. Газета ва журналларга обуна уюштиришда имтиёзлар яратилди. Ана шу муҳим иш учун 1,1 миллион сўм ажратилди. Жорий йилдан бошлаб хориж технологияси асосида қурилган бўрсилдоқ нон тайёрлаш линияси ҳам ишга туширилади. Ҳа, «Когонёғ» ҳиссадорлик жамияти иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда фаол иштирок этиб, турдош корхоналар ўртасида пешқадамлар сафида бормоқда.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

БОЛА КУЛСИН ЖАҲОНДА!

Кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари меҳр оғушида

Баркамол авлодни тарбиялашдек бебаҳо ишга республика «Болалар» жамғармасининг Сирдарё вилоят бўлими ҳам муносиб улуш қўшишга ҳаракат қилаяпти. Фаолиятимиз мезонини жажжиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни қўллаб-қувватлаш, турли йўналишларда ёрдам қўлини чўзиш ва йўл-йўриқ кўрсатиш каби муҳим вазифалар ташкил этади. Айниқса кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини моддий ва маънавий муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Ушбу вазифаларни кўнгилдагидек амалга ошириш мақсадида хорижий ҳамкорлар билан ҳам яхши алоқалар йўлга қўйилган. Айниқса, Америка Қўшма Штатларининг халқаро хайрия ташкилоти «Мерси Прожект» хайрли ишларга бош қўшмоқда. Ўтган даврда ушбу ташкилот томонидан етказиб берилган ўйинчоқлар вилоят болалар ва Гулистон шаҳар юқумли касалликлар шифохоналарида саломатлигини тиклаётган кичкинтойларга, гўдаклар уйи тарбияланувчилари ҳамда 4 та болалар боғчасига туҳфа этилди. Бир сўз билан айтганда, 600 нафардан зиёд болалар ана шу ташкилот ҳимматидан баҳраманд бўлдилар.

Вилоятимиздаги 27-Меҳрибонлик уйини ўз оталиғимизга олганмиз. Ота-оналаридан эрта айрилган кўнгли кемтик болаларнинг ёлғизлигини билдирмаслик, уларнинг доимо меҳр оғушида бўлишлари учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳар бир байрам арафасида уларга кийим-кечаклар, зарур жиҳозлар туҳфа этилаётир. Қиш мавсуми олдидан болалар иссиқ кийим-бош билан таъминланди.

Тақдир тақозоси билан ўз саломатликларини йўқотган болалар ҳам йўқ эмас. Жамғармамиз томонидан уларга ҳам саховат кўрсатилмоқда. Хусусан, Гулистон шаҳар «Карлар» жамиятига турли кийим-бошлар тортиқ қилинди. Шунингдек, гўдаклар уйининг 30 нафар тарбияланувчиси ҳам жамғармамиз беғараз кўмаги туфайли янги кийимли бўлдилар. Гулистон туманидаги Ҳ.Олимжон номли 25-, Сайхунобод туманидаги Аҳмад Яссавий номли 26-мактаблар ўқувчиларига 10 минг сўмлик китоб, кийим-кечак топширилди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 200 нафар ўғил-қизларга байрам дастурхони ёзилди. Кийим-кечак, пойабзал ҳамда «Вольд» концерни томонидан ажратилган ўйинчоқлардан мурғак қалблар қувончга тўлди.

Бу борада жамғармамизнинг Ховос туман бўлими олиб бораётган ишлар эътиборга сазовор. Жамоа аъзолари хайрия тадбирларида фаол иштирок этиб, кенг жамоатчиликни ҳам эзгу ишларга даъват этаётир. Кам таъминланган, кўп болали ва ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларига алоҳида меҳр-оқибат кўрсатиляпти.

Шавкат МАМАРАҲИМОВ,
Республика «Болалар» жамғармасининг Сирдарё вилоят бўлими ижрочи директори.

ОЛТИНСОЙ ГУЗАРИ

Қорақалпоғистоннинг Беруний туманидаги Олтинсой овулида фойдаланишга топширилган янги гузарда савдо маркази, чойхона, тиббиёт ва алоқа бўлими меҳнаткашларга хизмат кўрсата бошлади. Эътиборли томони, гузар қурилиши ҳашар йўли билан амалга оширилди. Шунингдек, тумандаги бошқа овул фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ҳам худди шундай гузарлар аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

(ЎзА).

Косонсойдаги «Ўзбек-Турк атласмен» қўшма корхонасида асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. Маъмурият техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, ишловчиларга энг қулай шарт-шароитлар яратиб бериш юзасидан амалга ошираётган тадбирлари бесамара кетмаяпти. Айниқса, жамоа аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, фақат ўтган йил якунларига кўра корхонада 800 минг дона адёл, 600 тонна ип ишлаб чиқарилди. Бу — белгиланган режадан кўпдир.

Суратларда: (ўнгдан) илғор ип йигирувчилар Муаззам Мирсаидова ва Ўғилой Умарова.

Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ЯНА БИР ФАБРИКА

Андижон вилоятининг Шахрихон туманида бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистон-Хитой «Ривож-Тяньжин» қўшма корхонаси ўзи ишлаб чиқараётган электродлари билан Марказий Осиё мамлакатларида шуҳрат қозонмоқда. Корхона раҳбарияти водийда ишсиз юрган ёшлар кўплигини ҳамда хомашё етарлилигини назарда тутган ҳолда «Ривож-Тяньжин» қўшма корхонаси таркибида трикотаж фабрикасини барпо этди.

Бунинг учун анча вақтдан бери туман марказида бўш турган ишлаб чиқариш бинолари капитал таъмирдан чиқарилиб, бу ерда тикув, бўяш, пардозлаш (гул солиш), бичув ва тикув цехлари бунёд этилди. Қўшма корхона ижрочи директори Қобилжон Отахоновнинг изоҳлашича, янги трикотаж фабрикасида 300 нафардан зиёд маҳаллий ёшлар вакиллари доимий иш билан таъминландилар. Улар бир йилда 800 тонна трикотаж мато тўқиб, уни пардозлаб, катталар ва болалар учун уст-бошлар ишлаб чиқарадилар.

Ҳозирнинг ўзида бу ерда Хитойнинг Тяньжин шаҳридаги ҳамкор компаниядан келтирилган 50 дан зиёд тўқув дастгоҳлари ҳамда 150 та тикув машиналари ўрнатилди ва ишга туширилди.

САВОБЛИ ИШЛАРГА БОШ-ҚОШ

Ижтимоий ҳимоя

Касаба уюшмалари ўз фаолиятларини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда мувофиқлаштираётгани, меҳнаткашлар кенг ижтимоий қатлами манфаатларининг яқин ҳимоячиси сифатида фаолият кўрсатаётгани эътирофга лойиқдир. Муҳбиримизнинг Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Шокиржон ЁҚУБОВ билан мулоқоти ана шулар ва айрим муаммолар хусусида бўлди.

— Меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза этиш кўп жиҳатдан Битим, жамоа шартномаларида белгиланган бандларнинг қандай бажарилишига боғлиқ. Шундай экан, Марказий қўмита ушбу йўналишда амалга оширган айрим диққатга сазовор тадбирларни мисол келтирсангиз.

— Маълумки, қаерда ишловчига қулай меҳнат шароити яратиб берилган, улар ҳақ-ҳуқуқи мустаҳкам муҳофаза қилинган бўлса, шу ерда ишлаб чиқаришда ўсишга эришилиши табиий. Биз ана шу оддий мантиқдан келиб чиққан ҳолда ишни ташкил этишга ҳаракат қилдик. Чунончи Марказий қўмитанинг «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компанияси, «Ўзмонтажмахсусқурилиш» ва «Тошкентқурилиш» уюшмалари билан имзолаган тармоқ Битимлари ижросига қаратилган саъй-ҳаракатларимиз кутилган самарани берди, деб ўйлаймиз. Чунки унда ишлаб чиқаришни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан равнақ топтиришда муҳим аҳамият касб этадиган омиллар — меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимларнинг ишлашлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб бериш, қўшимча енгиллик, имтиёзлар бериш кафолатланган эди. Аниқроқ қилиб айтганда, корхона ишчи-хизматчилари 18 иш кунидан кам бўлмаган меҳнат таътилига чиқарилади. Меҳнат стажига қараб ҳар бир ходим 1 кундан 7 кунгача қўшимча таътил олиши мумкин. Шунингдек, уларга республикамизда белгиланган энг кам иш ҳақидан 1,2-1,5 баравардан юқори — ойлик маош берилиши кўзда тутилган.

Табиийки, юқоридаги сингари енгилликлар ҳар бир корхона, ташкилот маъмуриятлари билан тузилган жамоа шартномаларига киритилишига ҳам эришилди. Шу ўринда бир эътиборли жиҳатга тўхталиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Яъни, тизимимизда уч йилдан буён жамоа шартномалари қабул қилинишидан аввал улар чуқур таҳлилдан ўтказилиши шарт қилиб қўйилган. Бундай иш усули башарти, тармоқ Битимлари ёки жамоа шартномаларида меҳнат қонунчилиги талабларига мос келмайдиган ҳолатларга йўл қўйилган тақдирда ҳам уларни бартараф этиш имконини бераётир. Бу — меҳнат аҳлининг ҳақ-ҳуқуқини қонунчилик доирасида ҳимоя этишнинг синалган усули сифатида ўз самарасини бермоқда.

— Жамоа шартномалари ижроси ёхуд ишловчиларни ижтимоий—иқтисодий қувватлаш мақсадлари албатта маблағсиз рўёбга чиқмайди.

— Тўғри. Шу маънода биргина мисол келтирсак. Бурноғи йили бир нафар ходим касаба уюшма аъзолик бадали учун ўртача 1121 сўм тўлагани ҳолда, уни ижтимоий ҳимоялашга эса ана шу миқдорга нисбатан 39 марта кўп маблағ сарфланган. Ўтган йилда мазкур тадбирларга касаба уюшмалари ва корхона маъмуриятлари бюджети ҳисобидан 1 миллиард 131 миллион сўмликка яқин маблағ сарфланди. Жумладан, биргина «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти қўшма корхонасида бир ишчи учун бу кўрсаткич ўртача 77 минг сўмни, умуман эса салкам 162 миллион сўмни ташкил этди. Ушбу рақамларни келтиришдан муддао қилинган ишларни пешлаш ёки мақтаниш эмас, балки меҳнаткашлар ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ масалаларга йил сайин эътибор кучайиб бораётганини қайд этиб ўтишдир.

— Тизимда ижтимоий соҳа шохобчалари сони ҳам кўпайиб бораётгани ишловчилар меҳнат унумдорлигини оширишда омил бўлаётганидан хабардормиз.

— Фикрингизга қўшилган ҳолда уни далиллаш учун бир мисол келтираман. Наманган-дагги «Ўзбек ўрамли ва том ёпиш материаллари» ҳиссадорлик жамияти тасарруфида жами 610 ўринли 2 та болалар боғчаси, «Офтобча» болаларни соғломлаштириш сиҳатгоҳи ва 21 та уй-жой биноси мавжуд. Шуниси ибратлики, меҳнат фахрийлари коммунал хизмат тўловларидан озод этилган. Ишловчиларнинг саломатлигини муҳофаза этиш мақсадлари учун «тез ёрдам», саломатлик шохобчаси, дорихона хизматга шай. Айниқса, корхона савдо уйи фаолияти меҳнаткашларни мамнун этмоқда. Буни шунинг учун айтаяпманки, жамоа аъзолари бу ердан талаб-эҳтиёжларини қондирадиган маҳсулотлар харид қилиш билан бирга аввалдан буюртмалар бериш имконига эгалар.

Суҳбатдош: Абдунаби МАННОПОВ.

(Давоми бор).

Саволингизга ЎзКУФК юридик бўлимининг ҳуқуқий нозири Насиба ТИЛЛАХЎЖАЕВА жавоб беради

УЗАЙТИРИЛГАН МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ

1

САВОЛ: ***Қонунчиликда қандай тоифадаги ходимларга узайтирилган меҳнат таътили белгиланган?***

Саломат МАРДОНОВА, Самарқанд шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 134-моддасида ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган йиллик асосий таътил берилиши белгиланган. МКнинг 135-моддасига кўра эса айрим тоифадаги ходимларга уларнинг ёши ва соғлиғи туфайли йиллик узайтирилган асосий таътил берилади.

Улар қуйидагилар:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар;
- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига — 30 календар кундан.

Айрим тоифадаги ходимларга меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари ва бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ узайтирилган таътиллар белгиланади.

Булар:

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 75-моддасига асосан суд тизимидаги барча судьяларга 36 иш кунидан кам бўлмаган меҳнат таътили берилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура ҳақида»ги Қонуни 52-моддасининг 3-қисмига асосан прокурор ва терговчилар 30 кундан иборат меҳнат таътилига чиқадилар. Мазкур ходимлар меҳнат стажи учун бериладиган қўшимча меҳнат таътили олиш ҳуқуқидан ҳам фойдаланадилар.

1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 162-1 рақамли қарорининг 6-бандига кўра, тегишли қонун қабул қилингунга қадар давлат органлари хизматчилари учун илгари белгиланган таътил муддати сақланиб қолинган, яъни 24 иш кунидан иборат.

- Олий ўқув юрти ва малака ошириш институтларининг ўқитувчиларига — 48 иш кунидан иборат меҳнат таътили берилади. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу ўқув юртларининг мамурий-ўқув ишлари билан банд бўлган раҳбар ходимлар (ректор, директор), уларнинг илмий ва ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари, илмий котиб, бўлим мудирлари, ўқув қисмининг бошлиқлари, илмий-тадқиқот бўлими мудирлари, аспирантура бўлими мудири, талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиёти бўлими мудирлари, методистлар, илмий ва катта илмий ходимлар, лаборантларга йиллик узайтирилган меҳнат таътили 24 иш кунидан иборатдир.

Башарти юқорида айтиб ўтилган олий ўқув юртларининг ва малака ошириш институтларининг ректори (директори), факультет деканлари, бўлим мудирлари, ўқув бўлими бошлиқлари, аспирантура ва ишлаб чиқариш амалиёти бўлими мудирлари ҳамда илмий котиблар ўзларининг асосий вазифалари билан бирга йиллик ўқув ҳажмининг 1/3 қисми миқдорида дарс берган бўлсалар, уларнинг йиллик меҳнат таътиллари 48 иш кунигача узайтирилади;

- мактаб ва педагогика билим юртлари директорлари (мудирлари), ўқув бўлими мудири, ўқитувчилар, ҳарбий раҳбарлар ва мактаб инспекторлари, мактаблардаги узайтирилган гуруҳ тарбиячилари, мактаб интернатларнинг тарбиячилари узайтирилган 48 иш кунидан иборат бўлган меҳнат таътилидан фойдаланадилар; лаборантларга — 24 иш кунидан иборат меҳнат таътили берилади. Алоҳида режимдаги мактаб тарбиячилари ҳам 48 иш кунидан иборат меҳнат таътилига чиқадилар;
- болалар боғчаси мудирлари, тарбиячилари, мусиқа раҳбарларига 36 иш куни;
- меҳрибонлик уйи ва алоҳида тусга эга болалар боғчаси ишчилари, директорлари (мудирлари), уларнинг ўринбосарлари (ўқув-тарбия ишлари бўйича), ўқитувчилар, тарбиячилар, тўгарак раҳбарлари, мусиқа ходимлари, меҳнат дарси ва эшитув хоналари инструкторларига 48 иш куни; бўлим ва устахона мудирлари, шифокорлар, фельдшерлар, тиббиёт ҳамширалари, эвауаторлар, энага ва кастеляншаларга — 24 иш кунидан иборат меҳнат таътили берилади;
- ўқув ва мактабгача методик хоналарнинг мудирлари, методистлари ва инструкторларига 36 иш куни;
- мактабдан ташқари болалар муассасалари директорлари — 24 иш куни; мазкур муассасаларнинг тўгарак раҳбарлари эса 36 иш куни;
- маданий ва маърифий муассасаларнинг айрим ходимлари (директорлари, мудирлари, лекторлар, экскурсоводлар, маслаҳатчилар, инструкторлар, бадиий раҳбарлар, тўгарак ва секция раҳбарлари, ташкилотчилар) — 24 иш кунидан иборат, худди шундай муддатда музей директорлари ва мудирлари, методистлари, экскурсия, лекция ва клуб ишлари бўйича методистлари меҳнат таътилидан фойдаланадилар;
- мактабгача бўлган меҳрибонлик уйлари ва муассасаларида 3 ёшгача бўлган болалар тарбияси билан банд бўлган тиббиёт ҳамширалари ва ясли гуруҳи тарбиячилари — 36 иш куни;
- ўқитувчилар малакасини ошириш институти директорлари ва уларнинг ўқув бўлими бўйича ўринбосарлари, кабинет мудирлари ва методистлари — 36 иш куни;
- даволаш-профилактика муассасалари педагоглари: методик-тарбиячилар, меҳнат нозирлари, психиатрия, психоневрология, сил касалликлари, силга қарши, юқумли, эшитиш ва гапириш органлари бузилган, марказий нерв системаси ва ақли заиф болаларга мўлжалланган муассасаларнинг мусиқа раҳбарлари — 48 иш кунидан, бошқа муассасалар ва уларнинг бўлимларида ишлайдиганларга — 36 иш кунидан (меҳнат бўйича нозирлар — 24 иш кунидан); ушбу муассасаларнинг ўқув бўлими мудирлари, шунингдек, мактаб ёшидагилар учун даволаш-профилактика муассасаларининг ўқув бўлими мудирлари — 48 иш куни; мактабгача бўлган болалар муассасалари ўқув бўлими мудирлари — 36 иш куни; логопедлар, сурдопедагоглар, ўқитувчилар — 48 иш кунидан; вилоят, ўлка ва республика касалхоналарининг методик ташкилотчилари — 36 иш куни; мотоаравачаларни ҳайдашни ўргатиш бўйича инструкторлар — 24 иш куни;
- болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг штатдаги тренер ўқитувчилари — 36 иш кунидан иборат бўлган меҳнат таътилидан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот, илмий-музей, илмий бадиий, илмий кутубхона муассасаларининг ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхатга кирувчи илмий муассасаларнинг айрим ходимларига: директорлар ва уларнинг илмий ишлар бўйича ўринбосарлари, бўлим мудирлари, сектор ва лаборатория мудирлари, илмий котиблар, башарти улар мустақил илмий ишни бажараётган бўлсалар, бош, етакчи ва катта илмий ходимлар, катта муҳаррирлар, бош ва катта кутубхоначилар, бош ва катта библиографларга, агарда уларнинг докторлик илмий даражаси бўлса — 48 иш кунидан, фан номзоди илмий даражасига эга бўлганларга эса — 36 иш кунидан иборат меҳнат таътили берилади. Агарда юқорида кўрсатилган шахсларнинг илмий даражаси бўлмаса, у ҳолда уларнинг меҳнат таътили 24 иш кунини ташкил этади.

ЯНГИ ҚУРИЛИШ КОЛЛЕЖИ

Истиқлол шарофати билан Самарқанд вилоятида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар сони 38 тага етди. Мазкур билим масканларида ёшларнинг қунт билан билим олишлари учун шарт-шароитлар муҳайё.

Ана шулардан бири Пахтачи туманининг Абдуазиз Аллаёров номли ширкат хўжалигида яқиндагина ишга туширилган қурилиш касб-ҳунар коллежидир. Айни пайтда бу ерда ҳисобчи, мебел ва ёғочга ишлов бериш ва қурилиш устаси каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Миллий арнамент - Шарқ меъморий услубида бунёд этилган янги коллежда 395 нафар ўқувчи билим оляпти. Келгусида коллежга 750 нафар ўқувчи қабул қилиниши мўлжалланмоқда.

Суратларда: 1. Лингафон хонасида ўқитувчи Отаниёз Давидов машғулот ўтмоқда.
2. Коллежнинг умумий кўриниши.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

СПОРТГА ОШНО ЁШЛАР

Термиз аэропорти жамоаси бошланғич касаба уюшмасининг 270 нафар аъзоси бор. Улар Сурхон воҳаси аҳолиси ҳамда меҳмонларига намунали хизмат кўрсатиб, йўловчиларни мамнун этмоқдалар. Ҳар бир ишчи ва хизматчи ҳаво кемаларининг ҳавфсиз парвозини таъминлашда ўз вазифасини чуқур масъулият билан адо этишига эришилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур даргоҳда жамоа шартномасида белгиланган барча бандлар ўз муддатида бажарилган.

Жумладан, унда кўрсатилганидек, маошлар ўз вақтида берилади. Меҳнатда ўрнак бўлаётганлар моддий рағбатлантирилади. Жамоа аъзолари ишга келишлари ва уйга қайтишлари учун махсус автобуслар хизматда.

Маълумки, меҳнаткаш хотиржам, бешикаст ишлаши учун унга етарли шароит яратилган бўлиши керак. Жамоада бу масалага жиддий эътибор билан қаралмоқда. Ишчилар ва йўловчиларга хизмат кўрсатувчи гуруҳ аъзоларига махсус кийим-бош берилган. Зарарли жойларда ишлаётганлар бошланғич касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан бепул неъматлар оладилар. Умуман, ўтган йил давомида меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадларига 300 минг сўмлик маблағ сарфланди.

— Бизда ишловчилар техника ҳавфсизлиги бўйича йўриқномалар билан мунтазам таништириб борилади. Саъй-ҳаракатларимиз туфайли, аэропорт ишга туширилгандан буён биронта ҳам кўнгилсиз воқеа содир бўлмади, — дейди бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Зиёвиддин Нажмиддинов.

Ушбу жамоанинг 10 нафар аъзоси «Чинобод», «Маъданли сувлар», «Ҳазорбоғ», «Жайронхона» сиҳатгоҳларида дам олиб, саломатликларини яхшилашди. Бунинг учун 341 минг сўмлик маблағ сарфланди. Ходимларнинг фарзандлари Денов туманидаги «Чашма» оромгоҳида касаба уюшма ҳисобидан бепул дам олдирилди. Шунингдек, 425 нафар болажонларга умумий қиймати 387 минг сўмлик ўқув қуроллари, дарсликлар олиб берилди.

Янги йил муносабати билан ишчи-хизматчиларнинг 14 ёшгача бўлган 350 нафар фарзандларига маъмурият ҳисобидан совғалар улашилди. Яна бир жиҳат — 5 ойлик ҳомиласи бўлган аёллар ҳақ тўланадиган таътилга чиқарилади. Ишловчи аёлларнинг ҳафталик иш вақти бир соатга қисқартирилган.

Мазкур корхонада меҳнат таътилига чиқаётганларга ойлик иш ҳақининг 50 фоизи, биронта ходимнинг оиласида даволанишга муҳтожлар бўлса энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида ёрдам қилинади. Шу мақсадлар учун 350 минг сўм сарфланди.

Бу ерда жисмоний тарбия ва спортга ҳам эътибор яхши. Ёшлар ишдан сўнг стол теннниси, волейбол, мини футбол билан шуғулланади. Тез-тез мусобақалар уюштирилади. Дарвоқе, ишчи Ботир Абдуллаев мураббийлик қилаётган футбол жамоаси республикада тармоқ жамоалари ўртасида биринчи ўринни олди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

ТАДБИРКОР ЗАВОД ҚУРДИ

Й.Охунбобоев туманидаги «Шукурдавлат» хусусий фирмасининг кичик сут заводи маҳсулот бера бошлади. Янги корхонада бир кеча-кундузда икки тоннагача сут қайта ишланиб, пишлоқ, сариёғ, сузма сингари етти турдаги замонавий андозалар асосида қадоқланган маҳсулотлар вилоятдаги савдо дўконларига етказиб берилмоқда.

Тадбиркор Ҳабибулла Сайдуллаев бундан беш йил муқаддам Йўлдош Охунбобоев номидаги ширкат хўжалигининг зарар келтириб ишлаётган чорвачилик фермасини ким ошди савдосида сотиб олган эди. Ўтган вақт давомида фермадаги чорва молларининг сони ошди, маҳсулот ҳажми кўпайди. Етмиш беш нафар қишлоқ йигит-қизи эса доимий иш ўрнига эга бўлди. Ишнинг тадбиркорлик билан ташкил қилиниши, ферманинг фойда келтира бошлагани сутни тўлиқ қайта ишлаш масаласини ҳал этиш заруратини кун тартибига қўйди.

Завод қурилиши учун лозим бўлган сармояни Миллий банкнинг Фарғона вилояти бўлими ажратди. Бельгиядан 292 минг 700 долларга сутни қайта ишлаш жиҳозлари келтирилди. Корхонанинг ишга тушиши туфайли яна ўн нафар маҳаллий ёш учун иш ўрни очилди.

(ЎзА).

АВТОБУС КУТИБ...

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Янги йил арафасида 23-мактаб ўқувчилари туман кўригида ғолиб чиқиб, Жондордан вилоят марказига концерт намойиш қилиш учун йўлга отланишди. Бироқ, ҳа деганда, автобуслар кўринмасди. Охири, минг азобда йўловчи машинани кира қилишга тўғри келди. Бахтга қарши, ўқувчилар манзилга етиб боргунларича уларнинг қўшиқ айтиш навбати ўтиб кетган экан.

Жондор туманида 120 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг муайян қисми шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлашади. Кўпдан-кўп ёшлар эса Бухородаги олий билимгоҳ, техникумларда таҳсил оладилар. Ҳафтанинг душанба ва шанба кунлари улар автобус кутиб, соатлаб сарғайишга мажбур бўлмоқдалар. Ора-сира келадиган транспорт воситасига чиқиш учун ур-йиқит бошланади. Бундай шароитда хотин-қизлар кўпинча бир четда қолиб кетиши табиий. Киракаш машиналарга ўтирай дейишса, ҳамманинг, ҳар доим ҳам имконияти бўлавермайди. Ўқишга, ишга эса бориш керак.

Аҳоли вакилларидан бир гуруҳи ўтган йили шаҳар атрофидаги йўналишларга микроавтобуслар қатновини йўлга қўйишни сўраб, Жондордаги 147-автохўжалик раҳбариятига мурожаат қилганди. Ҳатто, бу ердаги мутасаддилар билан бирга вилоят автотрестида ҳам бўлинди. Тегишли раҳбарлар «жондорликлар мушкулини осон этамиз, албатта микроавтобуслар қатнови йўлга қўйилади», дея ваъда беришганди. Улар ҳозирча сўзларининг устидан чиқишгани йўқ. Бу орада ўнлаб микроавтобуслар Бухоро шаҳрида юра бошлади. Жондорликларга ёрдам қўлини чўзадиган мард эса топилмаяпти. Аҳоли мушкулимиз яхши кунларнинг бирида осон бўлар, дея умид қилмоқда.

И СУВОНОВ ишчи, Г. НОСИРОВА талаба.

Жума ўгити

Ҳусайн Воиз КОШИФИЙ

КАСБ-ҲУНАР ОДОБИ

Билгилки, киши ҳалол ва покиза касб билан шуғулланиши керак, чунки касб — тариқатнинг зарурий шартларидандир. Зеро, умр ўтказишга зарур восита (маош) ҳосил бўлмагунча киши хотири осойишта бўлмайди. Киши роҳати учун зарур нарса эса вожибдир. Ва, агар киши ўз касби билан зарурий нарсаларни муҳайё этмаса, одамларни ранжитади, азобга қўяди. Демак, кимки жамъиятдан фойда кўрса-ю, лекин фойда етказмаса, у ишламаган бўлади. Бас, бирор касб билан шуғулланмаган дарвеш ўзини халқ бўйнига юклаган бўлади ва одамларнинг изтиробига сабаб бўлади. Бу эса тариқатда мумкин эмас. Шундай қилиб, маълум бўладики, киши учун касб зарурийдир ва шунга биноан ҳар ким касб одобини ҳам билиши ҳамда унга риоя қилиши лозим. Билгилким, ҳамма касбларга бирдай таллуқли қисқача қоида-адаблар мавжуд, шунингдек, ҳар бир касб учун алоҳида одоб ҳам бор.

Агар барча касблар учун зарурий одоблар хулосаси нечта, деб сўрасалар, саккизта деб айтгил: биринчидан, ўз касбини ҳаромдан, шубҳали мол-маблағдан пок сақласин. Иккинчидан, ризқ-рўзи зарурати учунгина керакли касб билан шуғуллансин, касбни мол-дунё тўплашга сарфламасин. Учинчидан, касбни обрўй олиш, яхши ном чиқаришнинг сабаби, деб билгил. Тўртинчидан, моли ҳаром одамлар билан муомала қилмасин. Бешинчидан, ўз ҳунарида беэътиборлик, хатонуқсонларга, айб ишларга йўл қўймасин, ҳар хил ифлосликлар, булғанишлардан сақлансин. Олтинчидан, инсоф чизиғидан ташқари чиқмасин, мол-матони танимайдиган одамлар билан муомала қилмасин. Еттинчидан, агар тарози аҳлидан (нарса тортувчи) бўлса, тошдан уриб қолмасин ва ортиқ ҳам бермасин. Саккизинчи, газлама ўлчаб сотувчилар аҳлидан бўлса, ўзига кўп олиб қолиб, бошқаларга кам бермасин, чунки баракат тўғриликда ва жамиятнинг инсоф юзасидан баҳамжиҳат кун кечиришидадир.

ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир.

«ҚАНОАТ ТАРИҚИҒА КИР, ЭЙ КЎНГУЛ...»

(Бир қитъа талқини)

Қаноат тариқиға кир, эй кўнгул.
Ки хатм ўлғай ойин иззат санга.
Десанг шоҳ ўлай еру кўк басдурур,
Бу бир тахту ул чатри рифъат санга.
Фано шуъласида ёшур жисмни,
Керак бўлса зарбофт хилъат санга.
Етар лола бутган қиё қилласи,
Мурод ўлса гулгун ҳашмат санга.
Эрур бас, ариғ нуктаи қон ёшинг,
Дуру лаълдин зебу зийнат санга.
Десанг хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.
Ватан ичра сокин бўлиб сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга
Назарни қадамдин йироқ солмағил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.
Дамингдин йироқ тутмагил ҳушни,
Ки юзланмагай ҳар дам офат санга.
Бу тўрт иш била рубъи маскун аро,
Чалинмоқ не тонг кўси давлат санга.
Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд,
Навоий агар етса навбат санга.

Алишер Навоий «Маҳбубул қулуб» асарининг «Яхши феъллар ва ёмон хислатлар» деб номланган иккинчи қисмининг алоҳида бир фаслини қаноат зикрига бағишлаган. Унда жумладан шундай фикрлар битилган: «Қаноат булоқдир - олган билан қуримайди; хазинадур - нақдинаси сочилган билан камаймайди... Қаноатли дарвешнинг қуруқ нони тамаъгир шоҳнинг хитойча дастурхонидан яхшироқ...».

Дарвоқе, қаноатли одам - нафсоний ва ҳайвоний истаклардан йироқлаша олган, қандай аҳволда яшаши ёки қанақа мавқеда бўлишидан қатъи назар қисматдан рози киши. Чунки қаноат инсон фарзандини тамаъ, мухтожлик ва кундалик ҳаётнинг ҳар турли бемаъни мусобақаларидан муҳофаза этувчи энг қудратли фазилатдир. Алишер Навоий нақшбандийлик тариқи тарғибига бағишланган қитъасини «Қаноат тариқиға кир, эй кўнгул», деган даъват билан бошлашининг бир сабаби ана шу. Бошқа бир сабаб эса нақшбандийлик тариқатининг асосларидан биттаси Қаноат деб белгиланганлигидир. Қаноатда ҳикмат кўп. Зеро, ахлоқий эркинлик ва маънавий-руҳий ҳурликнинг тамали ҳам қаноат эрур.

Маърифат аҳлининг умумий эътирофларига кўра, пайғамбарлар ҳар қанча кўп сўз айтиб, жуда кўп ҳукмларни изҳор айлаган бўлсалар-да, уларнинг халқни даъват этишдан асосий мақсадлари тўрт нарсадан иборат бўлган экан. Биринчиси, инсонларнинг дунё макр-ҳийлаларига алданмасликлари, дунёдан эҳтиёжга яраша нарса олишлари ва мол-мулк, мавқе-мартабанинг турли-туман азобларга сабаб бўлишини қатъий тарзда билишлари. Иккинчиси, инсонларнинг ёмон ва чиркин ахлоқдан қутилиб, гўзал ахлоққа эришишлари. Учинчиси, одамларнинг тўғри сўз ва тўғри амалга соҳиб бўлишлари. Тўртинчиси, инсонларнинг илм ўрганиш билан кифояланмасдан, ожизлик, илмсизликларини ҳам англаб, тан ола билишлари. Мана шу тўрт ҳақиқатга етишиш ва амал қилишга чорлаш тасаввуфдаги кўп тариқатларнинг, хусусан Шоҳ Нақшбанд тариқатларининг бош шиорларидан бўлган десак, сира хато бўлмайди. Чунки дунё севгиси мавжуд экан фитна, офат ва мусибатлардан фориғ яшаш мумкин эмас. Ёмон ахлоқ - дўзахнинг айни ўзидир. Кулфат ва бахтсизликлар ғалаёни тинмайдиган бу оламда инсонни фақат тўғри сўз, тўғри амал азиз ва мукаррам айлашга қодирдир. Инсон ҳар қанча илмли ва фазилат соҳиби бўлмасин, қайси жойдадир илм сустлиги ва хулқий ноқисликлари унга панд беришини эътироф эта олмас экан, у ўзини кибр ва ҳавоу ҳавас оташидан муҳофаза қилолмайди. Бундай ҳолатда:

Десанг шоҳ ўлай еру кўк басдурур.
Бу бир тахту ул чотри рифъат санга,

сингари гаплар тушиниксиз, кўнгилга етиб бормайдиган гап бўлиб қолаверади. Ҳолбуки, Навоий «зарбофт хилъат» ўрнига «фано шуъласи» ,«дуру лаълдин зебу зийнат»нинг жойига нозик маъною қонли кўз ёшини тавсия қилганда фикрий ва маънавий салоҳиятнинг ўзгартирувчи, тубдан янгиловчи куч-қувватига таянган.

Ҳар бир тариқатда бўлганидек, нақшбандийлик ҳам ўзининг аркон ва аҳкоми, хусусий шарт ва қоидаларига эга. Навоий қитъада шулардан тўрттасига эътиборни жалб қилади:

Десанг хилватим анжуман бўлмасин,
Керак анжуман ичра хилват санга.

«Хилват дар анжуман». Нақшбанд ҳазратларининг бундан кўзда тутган мақсадлари: Зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан бўлиш, яъни моддий мавжудликни халқдан ажратмаган ҳолда кўнгилни Ҳақ ила ҳузурлантиришдир. Нақшбандийликда хилватга ортиқ даражада рағбат йўқ. Ҳазрат Нақшбанднинг: «Хилватда шуҳрат, шуҳратда рағбат, рағбатда офат бордир», - деган сўзларидан ҳам буни англаш мумкин. Умуман олганда, тасаввуф тарғиб айлаган комиллик йўлини узлат ва хилватсиз тасаввур этиб бўлмайди. Лекин хилват, тасаввуф ҳақиқати ва шартларини ниҳоятда саёз англайдиган баъзи кимсалар тасаввур айлаганидек халқдан бутунлай ажралиш, маҳдуд бир танҳолик гўшасига чекиниш дегани ҳам эмас.

Буюк мутасаввиф ва тариқат арбобларининг деярли барчаси, қайси мақсадда бўлишидан қатъи назар, халқдан узоқлашишни ёқлашмаган. Абу Саид Харроз мана нима дейди: «Турли-туман кароматлар зоҳир айлаган кимса асло комил бўлмас. Комил инсон, халқ билан бирга бўлган. Уларга яқиндан боғланган, уларнинг орасида юрган, лекин ҳеч бир вақт Ҳақдан ғофил бўлмаган кишидир». Ана шу боис ҳам нақшбандийлик мансублари қўлдан келгунча муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, Ҳақ учун халққа хизмат этишни комилликнинг шартларидан ҳисоблаганлар.

«Сафар дар ватан». Навбатдаги байт шу ҳақда:
Ватан ичра сокин бўлиб сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.

Абу Усмон Мағрибий «Сафар дар ватан»ни инсоннинг ҳавоу ҳавас ва шаҳвоний орзулардан халос бўлиш ёки комил бир муршидни излаб мамлакатма-мамлакат кезиш, деб таърифлаган экан. Муршид излаш - бу зоҳирий сафар. Нақшбандий тариқати вакиллари қатъий бир зарурат бўлмагунча муридларни зоҳирий сафардан манъ этганлар. Чунки бу ҳол соликни турли қийинчилик ва машаққатлар қаршисида умидсизликка тушиб маънавий саёҳатга тўсиқ бўлиши ёки йўлчилик асносида фарз ва суннатларни адо этмаслигига сабаб бўлмоғи мумкин деб қаралган (С.Эройдин, Тасаввуф ва тариқатлар, 377-бет). Навоийнинг «Сафардин агар бўлса меҳнат санга» деган сўзларида ҳам шунга ишорат бор.

Бошқа бир нуқтаи назар бўйича, «Сафар дар ватан» - соликнинг ёмон хулқлардан яхши хулқларга, башарий сифатлардан малакий сифатларга сайр айлаши бўлиб, унга «сафари само» ҳам дейилган.

Ҳақ йўлига кириш - бу масъулият, риёзат, назорат, ўзни тергаш йўлига кириш демак. Ҳақ йўлчиси ҳар бир ҳаракати, ҳар бир назари ва қадами учун ўзига ўзи ҳисоб беради. «Назар дар қадам» талаби ҳам айни шу эҳтиёжни ифодалайди. Яъни солик одим ташларкан назарни қадамига қаратиши ва шу тарзда бошқа бир таассурот ёки маъноларга берилмай мосиводан ўзини халос этиши зарур ҳисобланган. Навоий нақшбандийликдаги ушбу қоидани тўла қўллаб ёзади:

Назарни қадамдин йироқ солмағил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.

Шеърда таъкидланган «тўрт иш»дан яна бири «Ҳуш дар дам». Ҳушақл, дам - нафас. Демак, гап ҳар нафасда ва ҳар нафас учун жавобгарликни зиммага олиш, ҳар дам ва ҳар лаҳзани ақл билан ғафлатдан муҳофаза қилиш хусусидадир. Нақшбандийликда нафас назорати ва нафас моҳиятига алоҳида аҳамият берилган. Чунки нафасларни назорат қилиш Ҳақ тажаллилари учун асосдир. Нафас сирларини кашф эта билган киши эса ҳар кори ҳолда ақлга таянади, ақлидрок қудратини намойиш қилиб доимо адолат ва ҳақиқат йўлига содиқ қолади. Навоий нақшбандийлик тариқи шартларини талқин қилар экан, айни пайтда ўқувчини огоҳлантиради. Ақл ва тафаккур ҳокимликка эришмаган, ҳар нафас учун қайғуриш лаёқатини бой берган вужуд албатта ҳар дамда офатга юзланишини англатади:

Дамингдин йироқ тутмагил ҳушни,
Ки юзланмагай ҳар дам офат санга.

Бу — дўппини ерга қўйиб обдон ўйлайдиган гап. Бу — маъноси тўғри ва чуқур мушоҳада этилса инсонни ғафлат, жаҳолат, нодонлик офатларидан асрай оладиган фикр. Бу — нақшбандийлик оҳангининг кўнгилга нақш айлаш зарур бўлган энг юксак нуқтасидир.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори.

БЕҒАРАЗ МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК

Япония ҳукумати «Озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш» лойиҳаси бўйича Ўзбекистонга 550 миллион япон иени ажратиш ҳақида қарор қабул қилди.

Бу тадбир беғараз молиявий ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган бўлиб, Қорақалпоғистон ва Хоразмда шоли етиштиришни кўпайтиришга қаратилгандир. Мазкур маблағга комбайн ва бошқа хил қишлоқ хўжалик техникалари харид қилинади.

Расмий маросимда алмашув ноталарини Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Кёко Накаяма ҳамда Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев имзоладилар. Тадбирда сўзлаган Кёко Накаяма хоним Япония ҳукуматининг Ўзбекистон билан молиявий ҳамкорлиги олти йилдан буён изчил давом этиб келаётганлигидан мамнунлик изҳор қилди.

«Туркистон-пресс».

Нукус шаҳридаги «Кабель» очиқ турдаги акционерлик жамиятида беш турда кабель меҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг сифатли тайёрланаётгани унинг харидоргирлигини оширмоқда.

Суратда: ишчи Асанбой Ешекеев.

Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



МАҲСУЛОТ СЕРОБ БЎЛАДИ

Навоий вилоятидаги «Қизилтепа парранда» ҳиссадорлик жамияти 2000 йилни муваффақият билан якунлади. Харидорларга 12 миллион дона тухум, 83 тонна парҳез гўшт сотилди. Бу аввалги йилга нисбатан қарийб 1 миллион дона тухум кўп ишлаб чиқарилди, демакдир. Фабрика қошида суяк уни тайёрлаш цехининг ишга туширилиши муваффақиятнинг асосий омили бўлди. Ўтган йилги даромад 500 миллион сўмдан ошди.

Фойданинг кўпайгани иш ҳажмини ошириш имконини берди. Жамоа яна 30 минг наслдор жўжа сотиб олиб, маҳсулдор паррандалар сонини 100 мингга етказиш ниятида.

БАНК МАДАДИ

Сурхондарё вилоятининг қўриқ Музработ туманида деҳқон ва фермер хўжаликлари сони тобора кўпаймоқда. Шуни эътиборга олган «Тадбиркорбанк»нинг туман бўлими марказдан анча олисда жойлашган «Қўнғирот» қўрғонида ўз бўлимини очди. Қисқа муддатда минибанк мижозлари сони беш юздан ошиб кетди. Энди фермерлар банкка иши тушса, дашту биёбон оралаб туман марказига қатнаб юрмайди.

(ЎзА)

Шарҳловчи минбари

XX асрнинг энг машъум воқеаси сифатида тарих саҳифаларидан жой олган Форс кўрфази урушининг бошланганига ўн йил тўлди. Бу уруш Ироқнинг Кувайтга бостириб кириши, сўнгра АҚШ ва иттифоқчиларнинг бунга жавобан расмий Бағдодга қарши уруш эълон қилиши билан бошланган эди.

ИҚТИСОДИЙ ЖАЗО БЕКОР ҚИЛИНАДИМИ?

Маълумотларга кўра, бу урушда олти юз мингга яқин аскар қатнашган, етти юздан ортиқ самолёт ҳамда мингдан ортиқ зирҳли техника ишлатилган. Халқаро кучларнинг Ироққа қарши сарфлаган ўқ-дорилари 140 минг тоннадан ошган. Қайд этиш керакки, бу 1945 йилда Японияннинг Хиросима шаҳрига ташланган атом бомбасидан етти баробар катта куч демакдир. Энг аянчлиси, можарода минглаб бегуноҳ фуқаролар қурбон бўлди. Уруш олти ҳафтага чўзилган эса-да, мамлакат иқтисодиёти буткул издан чиқди. Нафақат Ироқ, балки Форс кўрфази атроф-муҳитига ҳам жиддий зарар етди.

Минтақадаги воқеалар шу билан тугамади. БМТ Хавфсизлик кенгаши Ироққа халқаро иқтисодий жазо эълон қилди. Бағдодга борадиган барча халқаро йўллар тақа-тақ ёпилди. Орадан кўп ўтмай, Ироқда оммавий қирғин қуроллари яратилгани ҳақида гап-сўзлар тарқалди. АҚШ ва Буюк Британия бунга жавобан, Ироқнинг маълум қисмини жанговар самолётлар орқали назорат қилиб туришга, лозим топилганда ўқ билан «сийлаш»га қарор қилди. Бундай самолётлар ҳамон Ироқ осмонида парвоз қилмоқда, ҳарбий иншоотларни бомбардимон қилишда давом этаётир.

Ироқнинг Кувайтга ҳужуми шунчалик қимматга тушдики, ироқликлар бундан ҳалиям азият чекмоқда. Мамлакатда озиқ-овқат ва дори-дармон етишмаяпти. Аёллар, қариялар ва болалар ўртасида юқумли касалликлар билан оғриганлар сони кескин кўпайди. Иқтисодий қийинчилик туфайли минг-минглаб одам қурбон бўлмоқда.

БМТ ўша йилларда бундай салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида «Нефт эвазига озиқ-овқат» дастурини ишлаб чиққан эди. Яъни, халқаро ташкилот Ироққа хорижга чекланган миқдорда нефт сотиш имкониятини яратиб берди. Ироқ нефт эвазига фақат озиқ-овқат ҳамда «қора олтин» қазиб чиқаришда зарур бўладиган техник ускуналар харид қила олади, холос.

Расмий Бағдод неча йиллардан буён ушбу дастур имкониятларидан тўла фойдаланиб келаётган эсада, очарчиликка барҳам бериш ҳамда болалар ўлимини камайтиришнинг иложини қилолмаяпти. Аксинча, мамлакатдаги ижтимоий аҳвол борган сари оғирлашмоқда. Иқтисодий жазони бекор қилмай туриб, бу муаммоларни ҳал этиб бўлмаслиги тобора ойдинлашаётир.

Ҳақиқатан, кейинги йилларда иқтисодий жазони бекор қилиш вақти келгани, Ироқ шунча йил ичида етарли жазо олиб бўлгани ҳақида кўплаб фикрлар билдирилмоқда. Ҳатто, айрим давлатлар Ироқ билан илгариги алоқаларни тиклаш мақсадида Бағдодга мурувват ёрдамлари юкланган самолётларни бирин-кетин жўнатиб турибди. БМТ эса ҳамон сукут сақлашдан нарига ўтгани йўқ. АҚШ билан Буюк Британия иқтисодий жазони тўхтатишга ҳали эрталигини, президент Саддам Ҳусайн БМТ мутахассисларига Ироқда оммавий қирғин қуролларини текширишига тўла имконият яратиб бериши зарурлигини айтмоқда.

Кузатувчиларнинг фикрича, айнан оммавий қирғин қуролларини текшириш масаласидаги зиддият иқтисодий жазонинг янада чўзилишига сабаб бўлмоқда. Албатта, ўтган вақт давомида БМТ мутахассисларининг Ироқда бу борада текширув ўтказишига бир неча бор имконият ҳам яратиб берилди. Аммо расмий Бағдод мутахассисларни белгиланган вазифани эмас, балки жосуслик билан шуғулланишда айблаб, мамлакатдан чиқариб юборганди.

Хуллас, ўтган аср охирида эълон қилинган иқтисодий жазо ҳалибери бекор бўладиганга ўхшамайди. Ироқ президенти Саддам Ҳусайн ҳам бўйин эгиш ниятида эмас. Устига-устак, АҚШнинг Жорж Буш бошчилигидаги янги маъмурияти ҳам Оқ уйнинг илгариги хатти-ҳаракатини яна давом эттирмоқчи. Ўртада эса Ироқнинг кўплаб бегуноҳ фуқаролари сиёсий ўйинлар қурбонига айланмоқда.

Равшан МАҲМУДОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

OLAMDA

БАҒДОД. Ироқ ҳукумати билан БМТ ўртасида нефт масаласида юзага келган зиддиятлар мамлакатда «қора олтин» қазиб чиқаришнинг кескин камайишига олиб келди. Хабарларга қараганда, Ироқда ўтган йилнинг октябр ва ноябр ойларида кунига 2,7 миллион баррел нефт қазиб олинган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 1,2 миллион баррелга тушиб қолган.

***

ТИРАНА. Югославия билан Македония ҳукумат вакилларининг икки мамлакат ўртасидаги чегараларни белгилаш масаласидаги навбатдаги учрашуви бошланди. Томонлар бу борадаги муаммони ҳал қилиш учун шу кунгача ўн бир маротаба ўзаро учрашган эса-да, умумий чегараларнинг саккиз фоиз қисми бўйича келишувга эришган, холос. Бу икки давлат ўртасида чегараларнинг умумий узунлиги 330 километрни ташкил этади.

***

АФИНА. Югославия президенти Воислав Коштуницанинг Грецияга сафари якунланди. У Афинада президент Константинос Стефанопулос ва бошқа расмий кишилар билан музокаралар ўтказди. Учрашувларда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий-сиёсий алоқаларни кенгайтириш ҳамда Болқон минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, томонлар Косоводаги урушда НАТОнинг бойитилмаган уранли ўқ-доридан фойдаланганлиги муаммоси бўйича ҳам фикр алмашди.

***

ТЕЛ-АВИВ. Исроил минтақавий ҳамкорлик вазири Шимон Перес Фаластин раҳбари Ёсир Арафотни яҳудийлар билан бўлаётган тўқнашувларни тўхтатиш борасида самарали тадбирлар ўтказишга чақирди. Унинг айтишича, Исроилда ўтказилажак умумий сайлов арафасида бундай келишмовчиликларга чек қўйиш керак. Чунки бу Фаластин билан тинчлик битимига эришишга куч-ғайратини аямаётган Эҳуд Баракнинг сайловда ғолиб чиқиб, музокараларни аввалгидек давом эттиришига ёрдам беради, деди вазир.

***

АДДИС-АБЕБА. Эритрея ва Эфиопия ўртасида ўтган йилнинг декабр ойида имзоланган тинчлик битими муваффақият билан ижро этилмоқда. Эритрея ташқи ишлар вазирлиги вакили шуни маълум қилди. Унинг айтишича, айни пайтда БМТ тинчликпарвар кучларининг икки мамлакат чегара ҳудудларига жойлаштирилиши давом этмоқда. Халқаро қизил хоч қўмитаси эса ҳарбий асирларни айирбошлаш борасида кўплаб тадбирлар ўтказмоқда.

(ЎзА)

УЧ ЙИЛГА ЕТАДИГАН БУЮРТМА

«Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг «Ўзйўлтаъмирлаш» бирлашмасига қарашли Андижон механика заводининг Пахтаобод туманидаги филиалида жаҳон андозаларига жавоб берадиган юк ташийдиган темир йўл вагонларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 360 нафар қишлоқ аҳолиси меҳнат қилаётган бу корхонада яқин кунларгача ҳам фақат юк вагонлари ва суюқ материаллар ташийдиган темир йўл цистерналари таъмирланар эди.

Россия ва Украина давлатлари билан мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий алоқалари қайта йўлга қўйилиши муносабати билан бу корхонада юк ташийдиган вагонлар ишлаб чиқаришга қарор қилинди. Айни пайтда уларнинг дастлабки туркуми тайёрланиб, халқаро ихтисослашган нуфузли комиссия аъзолари кўригига ҳавола қилинди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Комиссия аъзолари ушбу филиалда тайёрланган юк ташиш вагонларига юқори баҳо бериш билан бирга яна 500 та шу хилдаги вагонлар ишлаб чиқаришга буюртма бердилар.

Бу эса Андижон механика заводининг Пахтаобод филиали меҳнат аҳлини кам деганда уч йил доимий иш билан барқарор таъминлай олишига кафолатдир.

Филиал директори Хушнудбек Мамажоновнинг таъкидлашича, ўтган йил давомида корхона ишчи мутасахассислари томонидан 600 та юк вагонлари капитал ва жорий таъмирдан чиқарилиб, салкам 500 миллион сўмлик иш бажарилган. Шунингдек, филиалда халқ истеъмоли моллари — маиший иситиш қозонлари, стол-стуллар, темир дарвозалар, аҳоли буюртмасига биноан турли хилдаги рўзғорбоп буюмлар ишлаб чиқариш ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

NIMA GAP

УЛАР ОСИЁ ОЛИПИАДАСИГА БОРИШАДИ

Ўқувчилар билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашда фанлар бўйича ташкил этиладиган турли беллашув, мусобақа ва олимпиадаларнинг аҳамияти катта. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Халқ таълими вазирлиги Республика ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази билан ҳамкорликда физика бўйича ўтказган танлов ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ўрта мактабларда таҳсил олаётган 9-11-синф ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабаларидан 91 нафари иштирок этди. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, турли мураккабликдаги масалалар ечимини тез ва аниқ ҳал эта олган юксак иқтидорли ва чуқур билимли ўн нафар ўқувчи ғолиб деб топилди. Улар шу йилнинг 23 апрелидан 1 майига қадар Тайбей шаҳрида бўлиб ўтадиган физика бўйича иккинчи Осиё олимпиадасида иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

Таъкидламоқ керакки, ўтган йили Индонезияда ўтказилган Осиё давлатлари ўсмирлари ўртасидаги биринчи халқаро Олимпиадада ўзбекистонлик ўқувчилар фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлган эди.

(ЎзА).

Чўққиларда изи қолган бургутлар
Кўз илғамас самоларни кўзлайди.

Бор бўл, оқибат!

«ЎЗБЕКИСТОН ҚЎНҒИРОҒИ»НИНГ ҚУВНОҚ ЖАРАНГИ

«Ўтган кунлар» романини ҳаммамиз мутолаа қилганмиз. Нафақат ўқиганмиз, хатто ёд олганмиз баъзи ўринларини. Отабекнинг «Ҳайдалиш» қуйини сўраб машшоқни ҳайратга солиш саҳнаси-ю, у кутмаган жойда дуторнинг «Наво» нолаларидан арзи ҳол қила бошлаш лаҳзаларини кўз олдимизга келтирайлик-а.

Куй... Нақадар фусункор топилма у. Эҳтимол, кашфиёт ҳам эмас, шунчаки инсонгагина хос, тасаввур кўзгуларида ранго-ранг жило этмоқ учун ғойибдан келган руҳоний неъмат — ҳолатий кечинмаларнинг тил ила таърифлаб бўлмас инъикосидир?! Ҳар қалай, куни-кеча пойтахтнинг рус академик драма театрида Охунбобоев номидаги кўзи ожиз болалар мактаб-интернати «Ўзбекистон қўнғироғи» («Узбел») болалар хор гуруҳининг кўргазма концерти юракларга ўз сувратини чизиб қўйди, десак асло муболаға эмас.

— Юртимиз истеъдодларга қанчалар бой эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим, — дейди ушбу концерт ҳомийларидан бири, Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Маъмура Одилова. — Яқин орада бунақа ҳаяжонга тушмаган эдим. Бири-биридан ширин, лекин қисматига ёруғ дунё гўзаллигини кўриб завқланиш битилмаган болажонларнинг назокатли қўшиқларидан нечоғлик мутаассир бўлганимни тасвирлашга ожизман. Қўмитамиз ҳозирлаган совғаларни топширар эканман, уларнинг ҳар бирини бағримга босиб қучгим келди.

Дарҳақиқат, шу куни концертга ташриф буюрган томошабинлар оламолам таассуротлар оғушида қайтдилар уйларига. «Ўзбекистон қўнғироғи» болалар хор гуруҳи ижросидаги «Ислом бобо», «Соғлом авлод», «Капалак ва камалак», «Довюраклар керак» каби қўшиқлар гулдастасининг муаттар бўйидан баҳраманд бўлган киши борки, қалби эзгулик, саховат ва энг яхши инсоний фазилатлар билан лиммо-лим тўлиб тошди.



Қизғин олқишлар остида гуруҳ қатнашчиларига бундан-да юксак ижодий парвозлар тиланди, ижро маҳорати ҳақида илиқ сўзлар айтилди. Гавҳар Абдуазимова, Зилола Одилова, Феруза Ғойибназарова, Азизбек Иброҳимов, Беҳзод Бегов, Юлдузхон Мавлонова, Азамат Раҳимов, Нозима Йўлдошева... Яна санашда давом этиш мумкин. Улар роппа-роса 40 нафар. Бир-биридан жажжи, бир-биридан зукко. Бу иқтидор эгаларини жамулжам этган заҳматкаш инсонлар — мактаб-интернат директори Назарбой Исмоилов, ўқитувчи ва мураббийлар Наргиза Жамолхонова, Елена Ким, Гўзал Умарова, Алишер Содиқов, Клара Тожиқулова, Дмитрий Нам, Рустам Мавлонов, Фотима ва Зуҳра Зиямуҳамедоваларга ажойиб тадбир учун ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак оз.

Кези келганда, ушбу гуруҳнинг ташкил этилиши ва эл назарига тушишида жонбозлик кўрсатган Жанубий кореялик тадбиркор Квак Санг Хун номини алоҳида эҳтиром ила тилга олиш лозим.

— Ҳар бир кишининг асосий касбий юмушидан ташқари яна аллақанча қизиқишлари бўлади. Компьютер ва унинг эҳтиёт қисмлари бизнеси билан шуғулланаман. «Узбел» президенти, шу билан бирга, Тошкентдаги «ГАБС Ко» чет эл хусусий корхонаси бошлиғиман, — дейди жаноб Хун. — Санъатга муҳаббатим бўлакча. Шу боис иқтидорли, аммо ўз имкониятларини намоён эта олмай турган кўзи ожиз болажонларга кўмаклашишни ўз бурчим деб билдим. Истагим, улар юракларидаги ўкинч ва армондан фориғ бўлсинлар, тенгқурлари каби ҳаётдан ўз ўринларини топсинлар.

Шундай қилиб, «Ўзбекистон қўнғироғи»нинг илк кўргазмали чиқиши муваффақиятли ўтди. Айни кунларда гуруҳ аъзолари чет эл сафари тадоригида яшамоқдалар. Сезган бўлсангиз, илк сафар Жанубий Кореяга уюштирилади. Сўнг бошқа мамлакатларга. Ҳаёт нақадар ажойиб, саховат эшиклари қанчалар кўп. Фақат унга интилиб, ишониб яшаш керак.

Зайниддин РИХСИЕВ.

Ҳаёт чорраҳаларида

НУРДАГИ СОЯ

Ҳаммасини қул қилиб ишлатаман. Мана, бу пулнинг каттаси, - дея бир даста долларни онасининг бошига сочиб юборди. Келини шошапиша пулларни териб олди.

— Бебош сой бўлсанг ҳам, бебош бой бўлма, ўғлим, - деди.

Ўғил унга эътибор ҳам бермай хиргойи қилганча келинчак билан ётоққа кириб кетди...

Она шу кечани уйқусиз ўтказди. Ўйлаб ўйига етолмади, тонгга яқин бир лаҳза кўзи илинди. Туш кўрди: дарёйи азим эмиш, ўғли Раҳматулло сувда оқиб кетаётган эмиш. Она ҳарчанд ўғлини қутқараман, деб югураркан-у пишқириб оқаётган сувдан қўрқиб, орқага қайтаркан. Шунда қаердандир раҳматли эри пайдо бўлибди. Салтанатхон ўғлимизни қутқаринг деб ялинса ҳам жаҳл билан қўл силтаб:

— Болани нобуд қилибсан-ку, - дебди-ю хафа бўлганча кетиб қолганмиш...

Салтанатхон қўрқиб уйғонди, тушини сувга, қайта-қайта кўзгуга айтди, қушларга дон сочди, барибир, кўнгли тинчимади. Охири ўғлига ёрилди:

— Отангнинг руҳи безовта, болам, бу ишинг менга ёқмаяпти...

— Ношукур банда. Нима, бир умр сиздек гадо бўлиб ўтаймми?

Она тилини тишлади, юраги қавариб дилидагини айтолмади. Уйига қайтиб, ис чиқариб етти қўшнига узатди. У икки ўт орасида қолганди...

Ҳафта ўтмай Салтанатхон ортидан шум хабар етиб келди: ўғли қамалибди. Қайнағалари билан бирга қанақадир тўдага қўшилган экан...

Она шу куни хатосини тушунди, тушунди-ю, чолининг васият ўрнига айтган сўзлари қулоқлари остида акс-садо бериб ўтгандек бўлди: Куним битганга ўхшайди, хотин. Аммо ўғлимнинг тақдиридан хавотирдаман, яхши жойга унаштирмадик-да. Сен тушун, доноолар мол билан бой бўлгунча ақл билан, кўнгил билан бой бўл, деган. Молнинг бойлиги ўткинчи, кўнгил бойлиги икки дунё саодатига тенг. Ҳали ҳам ўйлаб кўр, ёлғиз ўғлингни, бой-бадавлат деб бўлажак қудаларингга ишонма. Улар кўнгли паст одамлар. Ҳали ҳам вақт бор, ўйлаб кўр.

Ўшанда чолининг жони узилди-ю, кўзи юмилмади. Кўзи очиқ кетди бу дунёдан...

Салтанатхон чолининг сўзини дилидан тилига чиқармади. Тилаб-истаб олган ёлғиз фарзандига бор ҳақиқатни айтиб, ранжитгиси келмади. Оқибат эса ...

Бойлик — ҳалоллигу садоқатда, кўнгил бирлиги-ю ҳамжиҳатликда эканлигини, афсуски, Салтанатхоннинг ўзи ҳам энди тушуниб турган эди.

Амина ҚОДИРОВА.

Ўқинг, қизиқ!

«СУЗУВЧИ» ПУЛЛАР

Кўп ўлкаларда балиқчилик қадимдан тирикчиликнинг асосий манбаи бўлиб келган. Шунга мувофиқ, жумладан, Исландияда балиқ пул ўрнида ишлатилган, яъни нарх треска балиғи билан белгиланган.

Бирор мол олинганда, сотилганда ёки қарз тўланганда ана шу балиқ пул сифатида амал қилган. Ҳатто пул ўрнида бошқа хил моллар, жумладан, мўйна ишлатиладиган ҳолларда ҳам барибир ҳисоб-китобларда умумий мезон сифатида балиқ пул юритилган.

Новгороддан топилган қайин пўстлоғига ёзилган ёрлиқлар балиқ-пуллар ҳақида аниқ маълумотлар беради. Ўша ёрлиқлардаги ёзувлардан маълум бўлишича ҳатто XIII асрда, яъни сўм ҳисоби пул муомаласига кирган кезларда ҳам, бозорларда мол нархлари ҳануз лосось (сулаймонбалиқ)лар билан ўлчанган.

Лекин, шуниси борки, бундай «сузувчи» пуллар тез вақт ичида бузилиши сабабли пул сифатида ўз қимматини йўқотарди, албатта. Шунинг учун, одатда, ҳисоб-китоб учун тузланган балиқдан фойдаланиларди.

Ҳатто Эфиопияда бу «шўр» пул XIX асрнинг ўрталаригача муомалада бўлди.

А.АЛИЕВ.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АҚШДА ЎҚИМОҚДА

Шарқун шаҳарчасида жойлашган 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатида 250 нафар иқтидорли ўқувчи таҳсил олади. Бу масканда ёшларга инглиз тили, информатика, техника чизмачилиги ва физика фанларини ўттиздан ортиқ тажрибали ўқитувчи ва мураббийлар чуқурлаштирилган усулда ўргатмоқда.

— Мактаб-интернатимизда жаҳон андозаларига хос компьютер хоналари, лаборатория, тест ва мониторинг марказлари ҳамда амалий машғулотлар ўтказиш учун барча керакли жиҳозлар мавжуд, — дейди ўқув маскани директори Нажмиддин Мирзаев. — Таъкидлаш лозимки, ходимларимиз таълим беришнинг янги дастури асосида иш олиб бориб, ёшларнинг келажакда эгаллаётган соҳаси бўйича етук мутахассис бўлиб етишишлари учун бор маҳоратларини ишга солмоқдалар.

Ана шу ўринишлар, интилишлар натижаси ўлароқ, мактаб-интернати ўқувчилари республика миқёсидаги олимпиада ва кўрик-танловлар ғолиби бўлишмоқда. 3 нафар ўқувчи «Акселс» танлови ғолиби сифатида Америкада ўқишга йўлланма олиб, ҳозирги кунда ўша ерда ўқишни давом эттирмоқда.

Албатта, бу натижаларга эришишнинг ўзи бўлгани йўқ. Ўқув моддий базасини мустаҳкамлашга жиддий киришилиб, авваломбор билим масканида кенг кўламдаги таъмирлаш ишлари олиб борилиб, ўқув хоналари қайта жиҳозланди. Бугун ҳар бир хонага фан олимлари номи берилган. Бундан ташқари, синф хоналарида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисидаги қонун» бурчаги, Президентимиз асарлари бурчаги ва мўъжаз кутубхоналар мавжуд.

Хуллас, мактаб-интернатда ёшларнинг чуқур билим олиши, келажакда яхши касб эгаси бўлиши учун барча имкониятлар яратилган.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Кўнгил кўчалари

«СИЗНИ КИМ ДЕБ АТАЙ, ОНА?»

Шаҳар узра ёзнинг сўлим оқшоми чўкди. Оила бошлиғи, қирқ ёшлардаги киши хотини ва ёш фарзандлари даврасида кечки овқатланишдан сўнг ўрнидан турди. У шаҳар саноат корхоналаридан бирида муҳандис бўлиб ишлар, ҳафтада бир-икки марта тунги навбатчиликка борарди.

У уйдагилари билан эрталабгача хайр-хўш қилди-да, ташқарига чиқиб, «Тико»сини ўт олдирди. Бир неча дақиқадан сўнг машинасининг чироқлари тун қаърида кўздан ғойиб бўлди.

— Ҳозир телевизорда «кино» бошланади, - деди уй бекаси икки қизи ва кичкинтой ўғлига, — сизлар томоша қила турингланг, мен Гуласал опангларникига чиқиб кетяпман. Хавотир олманглар...

Ҳамсоялари Гуласал опанинг эри «КамАЗ» билан Россия томонларга қатнар, ойлаб ўша ёқларда қолиб кетарди. Шу боис муҳандиснинг фарзандлари ойиларининг уйда ёлғиз қолган кўшнисиникига чиқиб туришларига кўникиб кетишганди. Лекин бу сафар тўнғич қиз онасини негадир одатдан ташқари бир синчковлик билан кузатиб қолди.

Бироқ уй бекаси (номини айтиб ўтирмаймиз) ўттиз беш ёшлардаги кўҳликкина аёл бу кеч қўшнисиникига чиқмади. Унинг ўрнига ҳовлининг бир четида жойлашган, меҳмонлар учун мўлжалланган пастқамгина хона томон йўл олди. Ўша ёқда ҳам кўча дарвозаси бор эди. Аёл аста юриб бориб, дарвоза эшигини қия очиб қўйди. Беш-ўн дақиқалардан сўнг дарвозадан қандайдир шарпа лип этиб ўтди. Меҳмонхона эшиги аста очилди. Шарпа ўзини ўша ёққа урди. Аёл чиқиб, дарвозани беркитиб келди...

Гўёки ҳеч нарса бўлмагандек, ҳаммаёқ жим, сокин, осуда эди. Само юзида ўн беш кунлик тўлин ой аста сузиб борарди. Қаердадир тўй бўлаётганди: карнай-сурнай овозлари келарди.

Тун ярмидан оққанда эса ҳовлини ўраб турган тахта девор устида бошқа бировнинг қораси кўринди. Кимдир лип этиб пастга тушди, сездирмай ҳаракат қилганича, меҳмонхона эшигининг иккала зулфини бир-бирига қапиштириб, темир сим билан боғлаб ташлади. Сўнг дарҳол орқасига қайтди. Эпчиллик билан дарвозадан ошиб ўтди-да, велосипедига миниб, завод томон ўқдай учиб кетди.

Муҳандис заводнинг қўли гул мутахассисларидан бири эди. Кейинги ойларда дили ғаш бўлиб юрарди унинг. Ҳа, баъзан кишининг юраги ўзига хос барометр ролини ўйнайди: кўп нарсани олдиндан сеза бошлайди. Муҳандисни хотининнинг сўнгги пайтларда ҳаддан ташқари меҳрибон бўлиб кетаётганлиги шубҳага сола бошлаган эди. Аввал мутлақо бошқача эди хотини...

Шакарнинг кўпи ҳам баъзан ортиқчалик қиларкан. Хотини уни, яъни эрни қай даражада яхши кўришини ўзига ярашмаган бир тарзда ҳар қадамда намойиш қила бошлаганди. Ҳатто гўёки рашк ўтида ёниб, тежаб-тергашга ҳам ўтиб олган эди...

Муҳандис баъзида тунги навбатчилигидан уйига қўнғироқ қилиб қолар, лекин гўшакни ҳамиша хотини эмас, тўнғич қизи кўтарарди. «Ойинг қани?» деб сўраса, «Ҳамсоямиз Гуласал опамларникида» дея жавоб берарди. Ўшандай кечалардан бирида муҳандис таваккал қилиб Гуласал опаникига телефон қилиб кўрди. «Йўқ, бизникига чиқмадилар» дея рўй-ростини айтиб қўя қолди қўшниси. Муҳандиснинг юраги музлаб кетди. Кўнгилга шайтон ёмон бир фикрни солди. «Йўғ, ўлибдими! - деди Раҳмон, - ахир ҳеч бўлмаганда болаларини ўйлар...»

Лекин ўн беш ёшлардаги катта қизи негадир бир-икки марта «Дадажон, тунги навбатчилигингизни ташлаб, кундузги ишга ўтиб қўя қолсангиз бўлмайдими?» дея зорланганларини эслади. Кейинги пайтларда шаҳарнинг суюқоёқликда ном чиқарган бойвачча - «учар»ларидан бирининг машинаси уларнинг маҳалласида ўралашиб қолганини ҳам кўпчилик биларди...

... Тунги соат бирларда муҳандиснинг ёнига, заводга укаси етиб келди.

— Ака, мен билан юринг, зарур иш чиқиб қолди. Сизга бир нарсани кўрсатаман.

— Кўнглим қандайдир ёмон бир ишни сезяпти, ука. Балки бу ўткинчи гапдир, туҳматдир деб ўзимни овутиб юргандим.

— Туҳмат эмас, ака. Ҳозир уларнинг устидан темир сим осиб келдим.

Муҳандис ҳовли дарвозасини ўз калити билан очиб кирди. Укаси эса эшик зулфларини темир симдан чиқарди. Акаси уйга кирибоқ чироқни ёқди...

Йўқ, қимматли газетхон, муҳандис, сиз тахмин қилганингиз каби, хиёнаткор хотини ва унинг жазмани ортидан пичоқ кўтариб қувгани, ҳаммаёқни алғовдалғов қилиб юборгани йўқ. Ерга бир туфлади-да, «Бошимизда шу кўргилик ҳам бор экан-да!» деганича, индамай эшикни ёпди.

Эртаси маҳалла оқсоқолларига бор гапни яширмай айтди. «Энди бу ҳовлида унга жой йўқ», - узил-кесил қарорга келганини маълум қилди.

Икки ойдан сўнг шаҳар судида эр-хотиннинг қўйди-чиқди масаласи кўрилди. Судья ҳаёт тажрибасига эга бўлган одам эди. Ишни ковлаштириб ўтирмади. Узил-кесил ҳал қилди-қўйди. Сабаби — ҳамма нарса ойдек равшан эди.

Судда тўнғич қиз онасининг юзига қараб бир гап айтдики, ҳамманинг юраги зир титраб кетди.

— Она! - деди у. — Сизни «Она» дейишга тилим бормаяпти, лекин дейишга мажбурман. Сиз дадамга, биз, болаларингизга хиёнат қилдингиз. Маҳалламиз, қариндош-уруғларимиз юзига шармандалик пардасини тортдингиз. Энди биз бу дунёда қандай бош кўтариб юрамиз?

Воқеа нима билан тугади, деб сўрашингиз турган гап. Ўшандан бери бир йилга яқин вақт ўтди. Аёл бошқа қишлоқдаги қариндошларига бош олиб чиқиб кетганди. Лекин ўша ерда ҳам тинч ўтирмади. Ўзи яшаган ҳовлининг ярмига даъвогар бўлди. Муҳандис тездаёқ «Тико»сини сотиб, пулини ўшанинг эвазига бериб қутулди. Болалар ота билан қолдилар. «Бизнинг бундай онамиз йўқ» дейишар экан сўраб-суриштирганларга...

Тошпўлат АШУРОВ,
Қодиржон СОБИРОВ,
Бухоро вилояти.

Тошкент шаҳар енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма қўмитаси «Мебель» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси С.Сайдалиевга онаси

ҚУМРИ аянинг

вафот этганликлари муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма қўмитаси «Шаҳарйўлқурилиштаъмирлаш» трести касаба уюшма қўмитаси раиси Х.Усмоновга онаси

УМРИНИСА аянинг

вафот этганликлари муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.45

Буюртма Г— 2024. 123456